



06.06.2023 № 232

*"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятида  
доимий ишловчи комиссиялар таркиби  
2021 йил 7 январдаги 10-сонли буйругининг  
6-сонли иловасига ўзгартириш  
қиритилиши тўғрисида*

2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига асосан, ҳамда "Ўзбеккўмир" АЖ ташкилий тузилмасининг бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш ва шу тизимнинг самарадорлиги мониторингини амалга ошириш мақсадида.

#### БУЮРАМАН:

1. "Ўзбеккўмир" АЖ 2021 йил 7 январдаги 10-сонли "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятида доимий ишловчи комиссиялар таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйругининг 6-сонли иловаси "Товар моддий бойликларни харид қилиш, бошқа ташкилотлар томонидан хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларга оид таклифларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва расмийлаштириш бўйича танлов комиссияси таркиби" га қуйидаги комиссия аъзоси бириктирилсин:

1.1. "Ўзбеккўмир" АЖ Ижро аппарати "Комплаенс-назорат" ва коррупцияга қарши хизмати комплаенс-инспектори;

2. Ушбу буйруқ ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

*Асос: -2023 йил 30 майдаги қирин рақами 02/2136-сонли Ижро аппарати ички ва ташқи ҳаридлар бошқармаси бошлиги А.С. Эгамбердиевнинг билдиргиси.*

Бош директор

В.В. Кузнецов

«Ўзбеккўмир» АЖнинг 2023 йил  
“6” июл даги №232 сонли  
буйруғига № 6-илова

**Товар-моддий бойликларни харид қилиш, бошқа ташкилотлар томонидан  
хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларга оид таклифларни  
кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва расмийлаштириш  
бўйича танлов комиссияси таркиби**

1. “Ўзбеккўмир” АЖ бош муҳандиси, **комиссия раиси;**
2. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати ташқи ва ички харидлар бошқармасининг бошлиғи,  
комиссия раиси ўринбосари;
3. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати ташқи ва ички харидлар бошқармасининг етакчи  
мутахассиси, **комиссия котиби;**
4. “Ўзбеккўмир” АЖ “Моддий техник таъминоти ва ижтимоий соҳа” филиали бошлиғи,  
комиссия раиси ўринбосари;
5. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати бош бухгалтер, **комиссия аъзоси;**
6. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати марказий бухгалтериянинг катта бухгалтери  
(моддий ва ишончнома тарқатиш бўйича), **комиссия аъзоси;**
7. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати марказий бухгалтерия (молия бўйича) етакчи  
мутахассиси, **комиссия аъзоси;**
8. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати бош энергетиги, **комиссия аъзоси;**
9. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати бош механиги, **комиссия аъзоси;**
10. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бўлим  
бошлигининг ўринбосари, **комиссия аъзоси;**
11. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати юридик бўлим бошлиғи, **комиссия аъзоси;**
12. “Ўзбеккўмир” АЖ ижро аппарати комплаенс-инспектори.